

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

### Мудирлар

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Хирургик касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “3-сон ички касалликлари” кафедраси

### Доцент

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

### Катта ўқитувчилар

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Суд тиббиёти” кафедраси

### Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Анатомия ва клиник анатомия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Психиатрия ва наркологи” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Тиббий радиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 11 2018 YIL 27 NOYABR

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун!



## БАЙРОҒИМИЗ – ҒУРУРИМИЗ

юрақдан туйган ҳар бир инсон борки, юрт байроғини муқаддас билиб, унинг ҳурмат ва шарафини чин қалбдан эъзозлайди. Зеро миллий байроғимиз – мамлакатимиз суверенитетининг олий рамзи бўлиб, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли сифатида намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари шарафига бошқа давлатларда юртимиз байроғи кўтарилганида, хориж сафарларида, ўзга давлатлар ҳудудида Ўзбекистонимиз байроғини кўрганимизда, нуфузли халқаро спорт анжуманларида мамлакатимиз байроғи ҳилпираганида одамнинг қалби алпанечук бўлиб кетади. Ватан ҳиссини

Келинг, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан унинг тарихи ҳақида суҳбатлашамиз. 2016 йилда олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган эди. Унда Руслан Нуриддинов тош кўтариш бўйича олимпиада рекордини кўйди ва тош кўтариш бўйича 1-ўринни эгаллаб Ўзбекистон

байроғини юқори кўтарган ҳолда сахна бўйлаб юрди. Руслан Нуриддинов кўлидаги миллий байроғимизни кўтариб юрганида бутун дунё телеканаллари орқали бу манзара узатилган ва дунё аҳли бу ҳолатни кўришган. Ўшанда миллий байроқнинг қанчалик аҳамиятли ва муҳим давлат рамзи эканлигини ичимдан ҳис қилган эдим. Ўрта мактабда ўқиётган давримда, синф хонамиздаги миллий байроғимиз ҳақида ўқитувчиларимиз тўлқинланиб гапириб беришар эди. Унинг тарихи, тасвирлари ва рангларининг маънолари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни беришарди.

Давоми 2-бетда.

## Йилнинг энг яхши шифокори

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан пойтахтимиздаги “Туркистон” анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган “Йилнинг энг яхши шифокори” танловида ТТАда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимиздан бир гуруҳи танлов ғолиблигини қўлга киритдилар.

### Мана улар танишинг.

**Холматова Б.Т** – 1-сонли болалар касалликлари кафедраси мудир профессори, “Йилнинг энг яхши профессори” номинациясида фахрли 1-ўринни эгалладилар.

**Раҳимбоева Г.С** – асаб касалликлари кафедраси мудир профессори,



“Муносиб шогирдлар тайёрлаганлиги учун” номинациясида фахрли 1-ўринни эгалладилар.

**Абдуллаева Л.М** – 1-сонли Акушерлик гинекология кафедраси доценти “Йилнинг энг яхши акушер гинеколога” номинациясида фахрли 1-ўринни эгалладилар.

**Бобоева Ў.Р** – ТТА Термиз филиали ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” номинациясида фахрли 1-ўринни эгалладилар. Фурсатдан фойдаланиб биз муҳтарам устозларимизни номинация ғолиблигини қўлга киритганликлари билан яна бир бор чин дилдан қўллаб қўлағамиз.

MUASSIS:  
TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI

MUHARRIR  
TURDIQUL  
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,  
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahilalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov


Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади



Хикмат

Агар инсон яшаса иймон учун,  
Дунёнинг бор неъматини инсон учун.



Хикмат

## БАЙРОҒИМИЗ – ҒУРУРИМИЗ



Давоми. Боши 1-бетда.

Ҳар йили 18 ноябрь санасида эса миллий байроғимиз қабул қилинган сана муносабати билан тантанали тадбир ўтказилар, биз ўқувчилар байроқ ҳақида шеър ва кўшиқлар билан иштирок этардик. Миллий байроғимиз 1991 йил 18 ноябрь, душанба куни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуни билан қабул қилинган эди. Албатта миллий байроғимизни ҳаммамиз ҳар куни кўрамиз, унинг шакли ва ранглари ҳамда бошқа элементларининг жойлашуви бизга ёд бўлиб кетган. Лекин, келинг, байроғимизга тегишли барча тафсилотларни ҳам яқиндан биламизми?..

Миллий байроғимиз энига 250 см, бўйига 125 см. ўлчамдаги тўғри тўртбурчак шаклидаги мато бўлиб, ҳар бирини эни 40 см келадиган, мовий, оқ ва яшил эн чизиқлардан иборат. Ўртадаги оқ эн чизигининг ҳар икки эн тарафидан кенглиги 2.5 см. келадиган қизил ҳошия ўтказилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рамзи мамлакат ҳудудидида илгари мавжуд бўлган гоят қудратли салтанатлар байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республика табиатига хос хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг — зангори осмон ва мусаффо сув рамзидир. Мовий — лажувард — ҳаворанг Шарқда азалдан қадрланади, вақтида буюк Амир Темур ҳам ўз байроғига бу рангни танлаган.

Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд довлардан ошиб ўтиши керак. Байроқдаги оқ ранг Ўзбекистон Республикаси танлаган йўлнинг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир.

Қизил йўллар — бу ҳар бир тирик жоннинг қон томирида уриб турган ҳаётнинг куч, ҳаёт рамзидир.

Яшил ранг — сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда, унинг рамзи ҳам яшил рангдир.

Ярим ой — Ўзбекистон халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг ва тинчликнинг рамзларидир. Байроқдаги 12 юлдуз тасвири мукамаллик белгисидир.

**Азамат РЎЗИҚУЛОВ,**  
клиник ординатор


## КОНСТИТУЦИЯ – ҒУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида қилган маърузасида “Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли ғуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда” – деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Миллий истиқлол ҳамда давлат мустақиллигига эришиш шарофати билан Ўзбекистонда янги, демократик тамойилларга асосланган Конституцияни яратиш имконияти юзага келди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган эътиборан ҳолда республика табиатига хос хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституция ўз моҳияти ва эътибори билан халқ иродасини олий даражада ифодаловчи, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларини, давлат бошқарувининг демократик тамойилларини мустаҳкамловчи, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишни таъминловчи Асосий қонунимиздир.

Конституциямизда халқимизнинг кўп асрлар мобайнида қарор топган бой маънавий-ахлоқий табиати, менталитети, ўзбекона одадийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва савоатпешалик хислатлари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг



тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз Миллий Қомусини қабул қилиши билан инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига садоқатли эканлигини қафолатлади. Шунинг учун мамлакатимизда инсон қадрни баланд саналувчи адолатли ғуқаролик жамияти шакллана бошлади. Ғуқаролик жамияти эса қонун устувор, шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқариш имконини берадиган ижтимоий макондир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти конституциявий тузумнинг барқарорлигига асосланади. Бош қомусимизни эъозлаш, унинг қоида, қадрият ва талабларини англаш ва риоя этиш, уни қатъий муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир ғуқаросининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Конституцияга ўзимиз англаган ҳолда ва ихтиёрий равишда амал қилар эканмиз, мамлакатимиз тараққиёти, унинг фаровон истиқболлиги, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва ғуқаролик жамияти барпо этилишига хизмат қилган бўлаемиз.

**С.НОРҚУЛОВ,**  
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори

## МАКТАБЛАРГА ТАРАТИЛАЁТГАН ЗИЁ

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзларининг чиқишларида, китобларида халқ ноиблари, олимлар, ёзувчилар, зиёлилар иш кабинетларида ўтиравермасдан, балки халқ орасига тез-тез чиқиб муаммоларни ўрганиши, замонадошлар, келажакимиз соҳиблари бўлмиш зурриёдлар билан учрашувлар ташкил қилиши замона талабларидан эканлигини кўп мартада таъкидлаб ўтгандилар. Ана шу ташаббусдан келиб чиққан ҳолда нуфузли Академиямиз профессор-ўқитувчилари ва жамоаси томонидан кўплаб мактаблар, лицейлар ўқувчилари билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Навбатдаги ана шундай учрашувлардан бири Учтепа тумани 287-урта мактабда бўлиб ўтди.

Учрашувга Академиямиз Ёшлар билан ишлаш ва инновацион ғоялар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Турдиқул Ақромович Бобомуродов, Умумий ва болалар хирургияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Алижон Зоҳидович Фақиров, Академия Тиллар кафедрасининг ҳамда маънавият бўлимимизнинг қатор хо-

димлари иштирокида бўлиб ўтди. 120 кишига мўлжалланган ўрта мактаб залида даргоҳнинг ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари жамул жам бўлдилар. Учрашувни проректор кириш сўзи билан очиб, унда бугунги кун медицинаси, унинг истиқболлари ва академиямиз тарихи, бугунги хусусида 10 дақиқалик видеоролик намойиш қилиш билан бирга сермазмун маъруза ўқиди. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларида пайдо бўлган бири биридан чуқур, сермулоҳаза саволларга муфассал жавоб қайтарди. Унда Алижон Зоҳидий “Тиббиёт ва калом илми” мавзусида маъруза қилиб азалдан табиблик, шифокорлик калом илми билан чамбарчас боғлиқлигини, улуг машоихлар Абу Али Ибн Сино, Ҳаким Юсуфий, Журжоний, Тождин Ҳаким, Ҳаким Давоий ал Гилоний, Абу Бакр ар Розийларнинг илмий ва ижодий ишлари, китоблари хусусида атрофлича сўзлаб берди. Маъруза ўқувчиларни жуда тўлқинлантириб юборди ва савол кетидан саволлар ёғлаверди. Алижон Зоҳидий уларнинг барчасига жавоб бериш билан ўзининг ижод намуналаридан бир нечасини ўқиб берди. Савол-жавоб тугагандан кейин у ўзларини

айниқса фаол тутган ўқувчи ёшларга ўзининг қаламига мансуб “Фирдавс насимлари”, “Аслиянинг асрорлари”, “Бир ихтироғи”, “Изтироб булоғи” ҳамда “Кулгута терапия” китобларини совға қилди.

Учрашувда шунингдек, Академиямиз Тиллар кафедраси ва маънавият бўлими ходимлари чиқишлар қилиб Академиямиздаги ижодкор талабалар, уларнинг илмий, ижодий изланишлари ва қизиқишлари, шунингдек, ёшларни миллатпарварлик, ватанпарварлик йўлида Академия томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида етарлича маълумот бердилар.

Хулоса қилиб айтганда республикамиз Президенти томонидан олға сурилган бундай тадбирлар ҳали ўз самарасини бериб юртимиз ёшлари орасидан Нобель мукофоти соҳиблари, Бухорий, Самарқандий, Шоший, Фаргоний ва Термизийларнинг муносиб авлодлари етишиб чиқиши учун замин ҳозирлайди.

**Кутбиддин НИЗОМОВ,**  
“Тиббиётнома” махсус муҳбири,  
Соғлиқни сақлаш аълочиси

*1 декабрь – Халқаро СПИДга Қарши кураш куни*

## ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ

**Биринчи марта Лос-Анжелослик доктор Майкл Готтлиб тиббиёт фанига номаълум бўлган касалликни учратади. 1980 йил Майкл Готтлибнинг иш жараёнида бир бемор пневмониядан ўлади. Текширишлар шуни кўрсатадики, ўлган бемор ёш, гомосексуалист бўлиб, унинг иммун тизими бутунлай пасайиб кетган. У ОИТС билан касалланган эди.**

1981 йилда биринчи марта ушбу касаллик рўйхатга олинган. Касалликни келтириб чиқарувчи вирусни эса 1983 йили ОИТС билан касалланган беморлардан бир-биридан мустақил равишда икки олим: АҚШда Роберт Галло ва Францияда Люк Монтаньелар ажратиб оладилар. Бир йилдан сўнг бу касаллик Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам қайд қилинган. Ҳозир ОИТС деярли барча давлатларда тарқалганлиги учун у «XX аср вабоси» деб ҳам аталади. 1982 йил, сентябрь – матбуотда илк бор ОИТС атамаси пайдо бўлди, унга таъриф берилди ва АҚШ ҳамда Фарбий Европада унинг устидан расмий кузатув олиб борилди бошланди.

Бугунги кунда пандемия кўринишига етди. Ҳозирги кунда бу касаллик барча давлатларда тарқалган.

**ОИВ нима?**  
**ОИВ инфекцияси** - одамнинг иммунитет танқислиги вирусни юқганлиги оқибатида келиб чиқадиган сурункали вирусли юқумли касаллик;

**ОИВ** – одамнинг иммунитет танқислиги вирусини  
**ОИТС** - орттирилган иммунитет танқислиги синдроми – касалликнинг ўзига хос белгилари шаклланган даври, ОИВ инфекциясининг терминал (сўнгги) босқичи

**ОИВни юқтирганлар** – одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб яшаб юрган шахслар.

ОИВ инфекциясини қақарувчи вируснинг 2 хили аниқланган, бу ОИВ-1 ва ОИВ-2. Улар тузилиши ва кимёвий таркиби бўйича мураккаб вируслар қаторига киради ва антиген хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Ўзбекистонда асосан ОИВ-1 тури рўйхатга олинган. ОИВ-одам иммун танқислик вирусини. ОИВ асосан одамнинг иммун тизимини зарарлайди, оқибатда инсон юқумли касалликларга берилувчан бўлиб қолади. ОИВ инфекцияси касалликнинг барча босқичларида юқумлидир.

**Қуйидаги ҳолларда ОИВ инфекцияси юқмайди:**  
– Йўтал ёки акса урганда; қўл бериб саломлашиш, кучоқлашиш ёки

ўпишишда; умумий идиш-товоқлар орқали; душ қабул қилишда; бассейнда чўмилишда; хашаротлар (чивин, бург, бит) чаққанда; ҳожатхонадан фойдаланганда; эшиклар тутқичини очиб, касал ётган палатага киришда; бемор билан мулоқотда; телефонда гаплашганда; аудиторияда маъруза эшитишда; жамоа автоуловидан фойдаланганда юқмайди.




ОИВ ташқи муҳитнинг физик-кимёвий омилларига ўта таъсирчан. 56°С да 30 дақиқа қиздирилганда ОИВнинг юқиш даражаси кескин камайди, юқори ҳароратда вирус ўз фаолиятини тезда йўқотади. Касалликнинг яширин даври ўртача 3-4 ҳафтадан 5-6 ой, ҳатто 2-5 йилгача давом этиб, сўнг ОИВ инфекциясининг клиник белгилари намоён бўлади. Бунда камқувватлик, иштаҳа пасайиши, кечалари терлаш, узоқ вақт сабабсиз тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа тугунлари (жағ ости, қўлтиқ ости, чов)нинг катталашуви кузатилади, терида тошмалар пайдо бўлади

Вирус ацетон, эфир, этанол, 0,5 % фенол, 0,2 % натрий гидроксид ва бошқа дезинфекцияловчи моддаларга ҳам ўта таъсирчан. Офтобда қуритишга ва УВ нурларга нисбатан чидамли. Вируснинг юқумлилиги уй ҳароратида 4-6 кун сақланиб қолади.

Шу сабабли Республикаимизнинг барча маъмурий ҳудудларидаги ОИТСга қарши кураш марказларида Ишонч ва Аноним ҳизмат кўрсатиш хоналари фаолият юритмоқда. Бу масканларда беморлар ўзларини аноним сақлаган ҳолда бепул маслаҳат олиб, лозим топилса, лаборатория текширувидан ўтиши мумкин.

Айтиш жоизки, фақат инсоннинг онги ва хулқи ўзгаргандагина ОИВга қарши чора-тадбирлар ўз самарасини беради. Шунинг учун инсон ўзини турли хил хасталиқлардан асрай билиши, узоқ умр кўриш ва фаровон ҳаёт кечирिशга тайёрлаши лозим. Бунинг бирдан-бир йўли соғлом турмуш тарзидир.

**Энг яхши олдини олиш йўли – одоб чегарасидан чиқмаслик.**  
**Н. САТИБАЛДИЕВА,**  
Тошкент Тиббиёт академияси  
1-сонли болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси





## Спорт

## “РЕКТОР КУБОГИ” МАРОҚЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20 сентябрь куни “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалалари”га бағишланган йиғилишда “Биз халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз, шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чекланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз керак” деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шу муносабат билан Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилишларини кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясида 2 октябрдан 7 октябрь санасига қадар академиянинг “Шифокор спорт мажмуаси”да футбол бўйича факультетлараро “Ректор кубоги” саралаш босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа якунига кўра магистратура ва тиббий профилактика факультетлари ғолиб бўлдилар ва финал босқичига йўлланма олдилар. “Ректор кубоги” мусобақасининг якуний босқичи 20 октябрь куни ТТА талабалар турар жойида барпо этилган сунъий қопламали футбол стадионининг очилишига бағишланган тадбирга улашиб кетди.

Мазкур очилиш маросимида Россия давлат миллий университетининг Халқаро алоқалар бўйича проректори Аль-Шукри Сальман Хасунович бошчилигидаги Россиянинг И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети делегацияси иштирок этди. Тошкент Тиббиёт академияси ректори Л.Н.Туйчиев спорт майдонини очиб бергандан сўнг “ТТА ректори Кубоги” финал босқичи ўйини билан давом эттирилди. Дастлаб профессор-ўқитувчилардан ташкил этилган жамоалар, сўнг талабалар жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақа якуний натижаларига кўра Хирургик касалликлари кафедраси профессор-ўқитувчиларидан тузилган жамоа ғолиб деб топилди. Ғолиб бўлган жамоаларга ректор кубоги, шунингдек, ғолиб ва иштирокчиларга фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими

## ТТА бўйича ноябрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Бабаева Зухра Нуриллаевна	26.11.1968	Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси
2	Расулов Азиз Сайфуллаевич	18.11.1977	Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
3	Максудова Малика Хамдамжоновна	12.11.1976	2-сон факультет ва госпитал терапия, кафедраси катта ўқитувчиси
4	Пулатов Мирҳаким Мирсавирович	18.11.1964	2-сон факультет ва госпитал жаррохлик, кафедраси катта ўқитувчиси
5	Ризаев Ўзозбек Алимджанович	19.11.1979	2-сон факультет ва госпитал жаррохлик кафедраси ассистенти
6	Мағзумов Хамидулла Баширович	12.11.1946	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти
7	Закиров Мирзахид Мирсабитович	05.11.1972	Психиатрия ва наркологиya кафедраси ассистенти
8	Курбанкулов Уктам Мухаммадович	27.11.1980	Онкология, кафедраси катта ўқитувчиси
9	Хайдарова Гузал Бағиддиновна	27.11.1985	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
10	Раҳимова Матлуба Эшбаевна	10.11.1965	3-сон ички касалликлари кафедраси доценти
11	Аюпова Фариди Мирзаевна	21.11.1957	1-сон акушер ва гинекология кафедраси мудири, профессор
12	Умаров Жасур Мирҳомидович	25.11.1986	Дерматовенерология кафедраси ассистенти
13	Бобобеков Аъзам Раҳматович	25.11.1963	Умумий ва болалар жаррохлиги кафедраси катта ўқитувчи
14	Мидасов Масут	16.11.1951	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
15	Қасимова Маъсуда Бурхановна	23.11.1965	1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
16	Тошматова Гулноза Аълоевна	15.11.1988	1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
17	Каримджанов Илҳамджан Асамович	20.11.1955	2-сон болалар касалликлари, мудири, профессор
18	Раҳимбаева Гулнора Саттаровна	04.11.1959	Неврология кафедраси мудири, профессор
19	Эгамбердиева Саида Махаммаджановна	13.11.1963	Офтальмология кафедраси ассистенти
20	Наджмитдинов Ялқин Саидахматович	05.11.1957	Урология кафедраси доценти
21	Худайбердиев Хуршид Баходирович	28.11.1975	Урология кафедраси ассистенти
22	Тешаев Октябр Рухиллаевич	25.11.1963	Хирургик касалликлар кафедраси мудири, профессор
23	Сидикходжаева Моҳира Адилходжаевна	21.11.1968	2-сон акушер гинекология кафедраси доценти

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

Шифокор....

Биргина шу сўз кўз олдимизда бутун бир шифохонани гавдалантиради. Дардга чалингандан бошлаб, ундан фориғ бўлган вақт ёдга тушади. Меҳрибон, қалби эгнидаги оқ халатидек беғубор бу касб эгаларини қанчалар ҳурмат қилсак, шунчалар оз. Шу маънода мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Жорий йилнинг 9 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида ушбу санага бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга академия профессор-ўқитувчилари, шифокорлари, шунингдек, Россия Федерацияси Самара давлат медицина университетидан келган меҳмонлар таклиф этилди. Тантанали тадбирни академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори Ш.Боймуратов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиётида қисқа фурсат ичида амалга оширилаётган ислохотларга эътиборни қаратди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тизимга қаратилаётган эътибор натижасида соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, тиббиётнинг ҳар бир йўналишида кўзланган мақсадлар бўйича ба-

жарилаётган ишлар самараси ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари муҳим ўрин тутди. Тиббиёт тизимини ислох этишга оид юзга яқин қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилиниб, уларда белгиланган чора-тадбирлар амалиётга изчил жорий этилмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар самарасида халқимизга жаҳон андозалари даражасида бирламчи тиббий-профилактика, шошилич ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами йилдан

### Тиббиёт ходимлари кунини

## ЭЪТИРОФ...

йилга кенгаймоқда. “Соғлом она – соғлом бола” концепциясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, неонатал ва перинатал ёрдамни самарали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли реконструкция ва қурилиш ишлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва соҳада жаҳон тиббиётининг янги технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, байрам тадбирида сўзга чиққан Самара давлат медицина университети 1-проректори С. Шуринов ҳам йиғилганларни ушбу байрам билан қутлаб, мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча ша-





роитлар яратилганлигига, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги натижаси юқори самара бераётганлигини таъкидлаб, бу эса етук мутахассис тайёрлашда кенг имкониятлар очиб беришини ва бу борада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни эътироф этди.

Сўнгра академиянинг бир қатор профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирлик касаба уюшмаси ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси томонидан Фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари билан рағбатлантирилдилар. Болалар жаррохлиги кафедраси ўқитувчиси А.Фақиров эса “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан профессор Б.Холматова сўзга чиқиб, аҳоли саломатлигини сақлашда касалликларнинг олдини олиш, бунинг учун эса профилактика назоратини кучайтириш, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизни тиббий хизматлардан рози қилишга эришиш мамлакатимиз тиббиёт тизимининг устувор йўналишига айланганлиги хусусида гапирди.

Байрам тадбирида Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри артистлари иштирокида махсус концерт дастури намойиш этилиб, дастурда ижро этилган ажойиб куй-қўшиқлар, гўзал рақслар билан бир қаторда “Тоҳир ва Зухра”, “Аршин мол олон”, “Лайли ва Мажнун”, “Олифта” каби спектакллардан кўринишлар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Шоира ҚОДИРОВА,**  
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси





## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: ЮТУҚЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

– **Қутбиддин Низомов:** “Илм – денгиздир: кимдир ундан олтин ёмби ортилган кемани ҳайдаса, кимдир қармоқ ташлаб балиқча тутлади”, – деган экан фаранг файласуфи Ларошфукко.

Сўнги йилларда мустақил диёримиз барча жабҳада жаҳон андозалари даражасига чиқиши учун кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илм-фан, тиббиёт тараққиётини дунё стандартларига мослаш тўғрисида қатор фармонларга имзо чекилди. Айниқса 20-24 октябрь кунлари қудратли давлат Россия Федерацияси Президенти билан 300 дан ортиқ ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги улкан қадамлардан бўлди. Ривожланган хориж давлатларида чорак асрдан буён фаолият юритиб, ўзининг ижобий жиҳатларини намоён қилиб келаётган масофавий таълимнинг диёримизга кириб келиши ана шундай салмоқли ва залворли ислохотлардан биридир. Сиз ҳам ана шу илғор технологиялардан бири – масофавий таълимнинг неъматларидан улуш ололган мутахассисларимиздансиз.

– **Алижон Фақиров:** Мен 1997 йилда Жанубий Кореяда, 1999 йилда қатор Европа давлатларида бўлганимда олий таълимнинг қарийб 20% га яқин қисми масофавий таълим орқали амалга оширилишини кўриб ҳавас қилган, таълимнинг мазкур инновацион турининг тафсилотлари билан танишиб, қанийди юртимизда ҳам бунга рухсат берилса, қабилада орзуманд бўлгандим. Орадан йигирма йилча ҳам ўтмасдан ўзимиз ҳам ана шу инновацион технологияларга эга бўлдик, қўни-қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаб, чегараларни очган, илм-фан ва мутахассисликлар борасида кенг алоқаларни йўлга қўйган, сўнгий тўсиқларни олиб ташлаган Президентимиз ҳақларига дуолар қилдик.

Интернет тармоғи орқали жорий йилимизнинг май ойида биз учун қадрли бўлган Россия Федерациясининг Давлат Федерал Олий таълим вазирлигига қарашли И.И.Мечников номли Шимолий-Ғарбий Медицина университетининг касбга қайта тайёрлаш факультетига “Ультратовуш диагностикаси” бўйича ҳужжатларни юбордим. Бағрикенг ва адолатли қўшниларимиз ҳужжатлар билан танишиб, мазкур ихтисослик бўйича касбга қайта тайёрлаш учун юборган ҳужжатларим талабларга тамомила мос келишини ва масофавий таълимни 1 июндан бошлашим мумкинлигини интернет орқали юбордилар. Бу менга жуда ўнғай бўлди, чунки кафедрада амалий машғулотлар ва маърузалар нисбатан камайган, сидқидилдан шўғулланиш учун имкониятлар эшиклари очилганди. Ҳар куни интернет орқали 2 соат шўғулланиш, улар тақдим этган ва реал ҳаётга имкон қадар яқинлаштирилган диагностика дастурлар билан муфассал шўғулланиш натижасида август ойининг адоғида 576 соатлик масофавий таълим курсини якунлаб, якуний имтиҳонларни аъло баҳога топширдик. Бу давр мобайнида ультратовуш усулининг физик-техник жиҳатлари, унда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, меъда ичак тизими аъзоларининг, уронефрологик, гематологик хасталикларнинг, сиртда жойлашган аъзоларнинг, юрак-қон томир тизимининг, таянч ҳаракат тизимининг, акушерлик ва гинекологик хасталикларнинг ультратовуш диагностикаси

ҳамда УТТ остида даво диагностик муолажалар ўтказиш бўйича етарлича маълумот олиб, ҳар биридан масофавий имтиҳон топширдик.

– **Қутбиддин Низомов:** Масофавий таълимнинг ижобий ва салбий жиҳатларига тўхталиб ўтсангиз? Зеро ҳеч ким мазкур амалиётни ўз бошидан ўтказмасдан туриб унинг ўзига хос хусусиятларини англаб ета олмайди?

– **Алижон Фақиров:** Таълимнинг мазкур усули ижобий жиҳатларига келсак, илм олиш сифатига мутлақо салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда масофа, вақт ва маблағ тежаллади, асаб бузилишлари бўлмади. Толиби илм кўннинг исталган пайтида, ўзига ўнғай вақтни танлаб ҳар куни 2-3 соат интернет орқали таълим олади, бу эса унинг кун вақтини оқилонга тақсимлаш имконини беради. Цивилизациянинг инновацион ғоялари ва юқори технологияларни қўллаган ҳолда яратилган масофавий таълим дастурлари, видеороликлар, мотивацияга чорловчи ва ақлни чархловчи видеотестлар диагностик жараёни имкон қадар реал ҳаётга яқинлаштиради. Камчиликларига эса шифокор учун энг зарур бўлган бевосита мулоқотнинг йўқлиги киради, аммо назаримда бу унчалик катта нуқсон ҳисобланмасдан илм толиблари менга ўхшаб Врачлар малакасини ошириш институти Нур диагностикаси кафедраси мутахассисларидан кўшимча кўникмалар ва адабиётлар олиш орқали мувозанатласа бўлади.

– **Қутбиддин Низомов:** Ўзингиз олий тоифали жаррох, доцент, Халқ таълим академияси академиги бўла туриб ультратовуш диагностикасига қизиқишингизни нима билан изоҳлаш мумкин?

– **Алижон Фақиров:** Ҳадиси шарифларда: “**Бешиқдан қабргача илм изла**” дейилади. Ультратовуш диагностикаси инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш учун энг арзон, энг самарали ва энг беэиён даво диагностика усуллардан бири – замонамизнинг фойдали илмларидандир. Россия медицинаси эса жаҳон тан олган, цивилизациянинг қадамларига мос тараққий қилаётган медицина бўлиб, унинг барча жабҳасида улкан кашфиёт ва ихтиролар қилган олимлар кўп. Шу боисдан улар билан илм, фан, маданият, маърифат соҳасида кенг ҳамкорлик қилишимиз, малака оширишимиз ҳаммамиз учун фойдали деб биламан. Давлатларимиз орасида диссертациялар ҳимояси борасида ҳам алоқалар ўрнатилиши, дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар, лицензиялар ўзаро тан олиниши хусусидаги битимлар айниқса мени руҳлантирди. Докторлик изланишларим ниҳоясига етиб қолган, шуни Санкт-Петербургда ҳимоя қилмоқчиман.

– **Қутбиддин Низомов:** Хулоса қилиб айтганда Россиянинг амалиётдан ўрнатилган олиб Республикаимизда, жумладан нуфузи бошқа олийгоҳлардан бир поғона баланд кадрдон Академиямизнинг кафедраларида, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида масофавий таълимни кенгроқ йўлга қўйиш орқали цивилизация билан ҳамқадам бўлишлари лозим. Зеро, бу замона талабларидандир. Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний: “**Замона илму фанидан беҳабар халқлар оёқ ости бўлурлар**”, деб бежиз айтмаган.

Сўхбатни **Қ.НИЗОМОВ**  
олиб борди

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПРОФЕССОРИ



**Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,  
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,  
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.**

ни (2011-2014, 2017 йилдан ҳозиргача) лавозимида ишлаб келмоқда.

1998 йилда «*Клинико-морфологическая характеристика, факторы риска и профилактика синдрома внезапной смерти младенцев*» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2006 йилда «Адаптационные процессы у детей с тимомегалией при заболеваниях органов дыхания и методы лечения» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Б.Т.Холматова 180 дан ортиқ илмий, ўқув ва ўқув-услубий нашрлар, шу жумладан 4 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 2 та монография ва 50 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир, қатор халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар қатнашчиси ва ташкилотчисидир.

У 2012 йилдан ТТА бола-лар касалликлари кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда, бу даврда унинг томонидан кафедрада қатор ташкилий ишлар амалга оширилди, ДТСга мосланган ҳолда ўқув дастурлари ва режалар қайта кўриб чиқилди, ўқув жараёнида замонавий технологиялар кенг жорий этилди. У ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялар ва англис

тилидан кенг фойдаланишнинг тарғиботчисидир.

Б.Т.Холматова 2016 йилда ва 2018 йилда “Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган “Йилнинг энг яхши шифокори” танловининг “Энг яхши профессор” номинациясида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Б.Т.Холматова ўзининг илмий ҳамда педагогик фаолияти даврида виждонли, масъулиятли, ўзига ва талабаларга нисбатан талабчан устоздир. Ўзининг педагогик фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бормоқда. Ўз устида ишлаш унга хос бўлган муҳим фазилатдир. Шу боис жамоада барча ҳамкасблари ва талабалар орасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор.

Ҳурматли Барно Турдиходжаевна, шарафли касб эгаси бўлиб, халқимизга хизмат қилишда ҳеч қачон чарчаманг. Машаққатли меҳнатингиз фақат яхши кунлар, фарзандлар бахти, халқ раҳмати билан тақдирланаверсин.

**Н.САТИБАЛДИЕВА,**  
**ТТА 1-сонли болалар**  
**касалликлар кафедраси**  
**катта ўқитувчиси**  
**Ф.РАҲМАТОВА,**  
**кафедра ассистенти**

